

БИРОВАТА
ЧОҲ
КАЗИСАНГ...

Жанговар қуро, ўқ ҳамда заҳарли моддани ким ва нима мақсадда сақлаган? Яна қаерда денг, тандирнинг остида... **4-бет**

Буну
ҲАЁТ ДЕРЛАР...

— Уни-буну баҳона қилиб беш ойини ўтказдингиз. Дастурхон ёзиб қанча маърака қилманг, барибир онангиз қайтиб келмайди. **6-бет**

СИШИЛМАЯ дан буну...
ДУНЁГА...

Мафиянинг ҳукмронлиги фақат жиноят оламида... **7-бет**

РЕНТГЕН
ОДАМ

Наташа инсон танасининг жуз-даям ичкарисиди бўлган аъзоларни ҳам кўра олар экан. Маълумки, УЗИ ва рентген бунга қодир эмас. **8-бет**

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

03

(318)

YURIDIK GAZETA

Yanvar						
D.	5	12	19	26		
S.	6	13	20	27		
Ch.	7	14	21	28	✓	
P.	1	8	15	22	29	
J.	2	9	16	23	30	
Sh.	3	10	17	24	31	
Ya.	4	11	18	25		

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

Истикбол деганда, биз аввало қишлоқ хўжалигида янгича мулкий муносабатларни шакллантириш, одамларда ерга эгаллик туйғусини қарор топдириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, соҳани замонавий техника воситалари ва юксак технология билан таъминлаш, тобора кучга кириб бораётган фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу тарика қишлоқ халқининг фаровонлигини ошириш сингари устувор вазифаларни тасаввур қиламиз. Бугун шиддат билан ўзгараётган замон ҳар биримиздан ўз фаолиятимизни танқидий баҳолаб, уни тубдан ўзгартиришни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Ислом КАРИМОВ

BU HAQDA VAZIRLAR MAHKAMASI YIG'ILISHIDA GAPIRILGAN EDI

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ:

ЮТУҚ, МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР

2004 йилнинг январь ойи ҳам ниҳоясига етмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги ютуқ ва муаммоларни таҳлил қиладиган пайт келди. Деҳқонлар давлатга галла топшириш режасини ортиғи билан бажаришди.

2003 йили 1 млн. 386 минг гектар майдонда бошоқли экинлар парвариш қилиниб 5 млн. 100 минг тонна дон етиштирилди. Бу билан биз ўз эҳтиёжимизни қондирибгина қолмасдан, ҳатто хорижга дон ёҳуд ун маҳсулотларини экспорт қилиш салоҳиятини ҳам кўлга киритдик.

Аммо, пахта топшириш режаси уудаланмади. Нега? Бу савол барчани ўйлантирмоқда.



бўйича минерал ўғит ва кимёвий воситаларни пахтачилик хўжаликларига ўз вақтида етказиб бериш, хўжалик ҳамда машина-трактор паркларини ёнилғи-мойлаш материалларини билан таъминлашдан иборат. Хўш, бу ишлар қандай бажарилмоқда?

(Давоми 2-бетда).

TADBIR

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида барча прокурор-тергов ходимлари, прокуратуралари ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими бошлиқлари иштирокида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Х.Халимов олиб борди.

Мажлисда Қорақалпоғистон прокуратура органларининг қонунийликини мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича 2003 йилда қилинган ишлар ҳамда келгуси режалар ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Йигилишда Нукус, Эллиқалъа туман прокуратураларида профилактик ишлар яхши йўлга қўйилмаганлиги, назорат ишлари бўшаштириб юборилганлиги, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича прокурорлик таъсир чоралари етарлича қўрилмаётганлиги, натижада жиноятчилик ошиб кетганилиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, Мўйноқ, Бўзатов туман прокуратуралари ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими ходимлари 2-3 йиллаб бирорта ҳам жиноятни аниқлашмаган, ишлар ўз холига ташлаб қўйилган.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари А.Холмаҳмадов катнашди.

Кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

Иш якуллари ва вазифаларига бағишланган ҳайъат мажлислари шунингдек, Навоий вилоят ва Тошкент шаҳар прокуратураларида ҳам бўлиб ўтди.

TAKLIF

ПУХТА ЛОЙИҲА — МУКАММАЛ ҚОНУН АСОСИ

Демократик давлатчилик асосини шакллантириш йўлидан бораётган Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ қонунчилик тизимини ҳам мустаҳкамлаб бормоқда. Кези келганда шунини айтиш жоизки, бунда халқимизнинг ўзига хос удум ва аънаналари ҳам ҳисобга олинаётгани эътиборлидир.

Биргина, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳасини олиб кўрайлик. Мазкур қонун лойиҳасига ўхшаш лойиҳани бирор давлат қонунчилигида учратмайсиз. Бу бежиз эмас, албатта. Юртимизда азиздан кўни-кўшни, маҳалла-кўй, оқсоқолик каби тушунчалар қадрланган келган. Энди бунини мамлакат эътибори даражасига кўтариш фурсати етди. Қонуннинг мақсади фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатларни тартибга солишдир. Мазкур лойиҳани янада пухталаштириш, табиийки, янги таклиф ва қўшимчалар асосида бўлади.

Лойиҳанинг 5-моддаси охириги хатбошида сайловни Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ёритиши белгиланган. Маълумки, мамлакатимизда хориж ОАВ вакиллари ҳам фаолият кўрсатади, агарда сайловга улар ҳам қизиқиш билдирса, бу борадаги иштирок қандай бўлади? Шунинг учун ана шу модда охирида қуйидаги янги қоидалар киритиш керак: **«Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган хориж ОАВ вакиллари мазкур сайловларга тайёргарлик қандай бораётганлиги ва бевосита сайлов жараёнини ёритишни истасалар, уларга махсус руҳсатнома берилди»**.

Лойиҳанинг 10-моддаси комиссияларнинг ваколатларига бағишланган экан, унга қўшимча сифатида 6-хатбоши қилиб комиссиянинг қузатувчи сифатидаги ваколатини ҳам қўйиш керак. Зеро, сайловнинг демократик принциплар асосида ўтказилиши белгиланса, унда очик ва яширин овоз беришни ҳисоблаш жараёнида ҳолис қузатувчиларнинг бўлиши муҳимдир.

12-модданинг иккинчи хатбо-

шиси, жумладан, «тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади» деган жумла ҳам мавжумроқ. Чунки, хабардор этишнинг турли кўринишлари бор, телефонда ёки маҳалла фаоли оққали оғзаки, ё бўлмаса участка ноизи оққали, ё эълон, ё бўлмаса расмий юбориладиган билдирув орқали. Шунинг учун моддадаги хатбошини **мавҳумликдан аниқликка** ўзгартириш лозим.

15-модданинг биринчи хатбошида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига қўйиладиган талаблар баён этилган. Мазкур моддадаги номзодга қўйиладиган талабларни унинг **неча ёшдан неча ёшга** бўлиши, **худудда қанча вақтгача доимий яшаганлиги** каби қоидалар билан тўлдириш зарур. Боиси, шаҳар шароитида гоҳида аҳолининг доимий яшаш жойларини ўзгартириб туриши бор гап. Агар номзод, мисол учун, 5 йил шу ҳудудда доимий яшаган бўлса, ёши ҳам қонун талабига жавоб берса, демек, бундай инсонлар ҳудуднинг барча паст-баландидан яхши хабардор бўлишарди.

17-моддада фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар кўрсатиш белгиланган. Жумладан, номзодлар бевосита фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан кўрсатилади дейилапти. Назаримда, бу вазифа бетараф томондан кўриб чиқилган маъул. Шунинг учун номзодлар кўрсатишни фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ваколатидан олиб, **махсус комиссия ваколатига киритиш керак**.

Энди лойиҳанинг 21-моддасидаги яширин овоз беришни ўтказиш, аниқроғи бюллетенларни тарқатиш тартибига тўхталайлик. Унинг биринчи хатбошида қуйидаги тахрирда тўлдириш мақсада мувофиқдир: **«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг**

маслаҳатчилари сайлови яширин овоз бериш орқали ўтказилаётганда санок комиссияси томонидан йиғин иштирокчиларининг шахсий паспортига қараб махсус бланкага имзо чекилгандан сўнг фақат бир донга овоз бериш бюллетени берилди»

23-модда санок комиссиясининг баённомасига бағишланган. Мазкур модда ҳам аниқликни талаб этади. Модданинг охириги хатбошида «баённома санок комиссиясининг раиси ўқиб эшитирилади» деган жумла олдиға **қанча вақт мобайнида ёки кун ичида ўқиб эшитирилишини** кўрсатиш лойиҳа моддасига аниқлик киритади.

25-модданинг биринчи хатбошидаги **«...ярымдан ками иштирок этган бўлса»** деган жумла ҳам мавжумроқ чиққан. Лойиҳага кўра, мисол учун 50 сайловчидан 24 таси иштирок этмаса сайлов ўлмаган деб ҳисобланади белгиланган. Унда 50 сайловчидан 26 таси иштирок этса сайлов ўтган деб ҳисобланадими? Шунинг учун моддага сайловнинг ўтган ёки ўтмаганлиги **фоиз ҳисобида** белгиланиши тўғрисидаги талабни аниқ қилиб қўйиш керак.

26-моддадаги такрорий овоз бериш мuddатини лойиҳада **аниқ қилиб кўрсатиш зарур**.

28-модда. Бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиларининг ваколатлари мuddатидан олдин тўхталган бўлса, тегишли фуқаролар йиғинларида ушбу қонун талабларига риоя этган ҳолда янги сайлов ўтказилиши белгиланган. Моддага **қанча мuddат ичида** янги сайлов ўтказилиши ҳақидаги қоидалар киритиш сайловчиларга бу борада тўлақонли маълумот беради.

Муҳокама, таклиф ва мунозаралар лойиҳанинг мукамаллашувига хизмат қилади. Шубҳасиз, янги қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан сўнг маромига етказилиб қабул қилинса, қонунчилик дастуриميزдан мустаҳкам ўрин оларди.

Тоҳир САИДБОЕВ,
ҳуқуқшунос-журналист

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ:

ЮТУҚ, МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР

(Бошланғич 1-бета).

Маълумотларга кўра, баҳорги дала ишларида қатнашадиган 6271 та ҳайдов тракторидан 1231 таси, 4239 та чопиқ трактори, 3585 та чигит экиш севякиси ва 447 та ер текислагич мавсумга тайёрлаб қўйилмаган. «Ўзагрошсервис» уюшмаси корхоналари, пахта ва галла етиштирувчи хўжалик раҳбарлари ва бошқа масъул шахслар томонидан мулкка хўжасизларча муносабатда бўлиш, техника ва эҳтиёт қисмларни талон-тарож қилиш ҳолатларига ҳалигача барҳам берилмаган.

Масалан, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги «Буюк Турон» ширкат хўжалиги раиси Иброҳимов мансабини суистеъмол қилиб, хўжаликка тегишли, умумий қиймати 8.367.000 сўмлик техника ва эҳтиёт қисмларни талон-тарож қилган.

Қорақалпоғистоннинг Нукус туманидаги «Оқтрак» ширкат хўжалиги раҳбарларининг бепарволиги оқибатида «МТЗ-80», «Т-28» ва «Т-4» маркали 3 та тракторнинг эҳтиёт қисмлари талон-тарож қилиниб, хўжаликка 1.700.000 сўмлик зарар етказилган.

Юқоридagi ҳолатлар бўйича кўзғатилган жиноят ишлари судга оширилиб, етказилган зарарни ундириш чоралари кўрилди.

Ёнилғи — техниканинг қони. Буни деҳқонлар яхши билишади. Ёнилғисиз техника бир олим ҳам юра олмайд. Бироқ, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги корхоналар томонидан 75 млн. сўмлик 587 тонна нефть маҳсулотлари чет ташкилотларга бериб юборилганлиги, 231 тоннаси бошқа мақсадда ишлатилганлиги, 894 тоннаси мезёрдан ортиқча сарфланганлиги, 179 тоннаси асоссиз равишда ҳисобдан чиқарилганини қандай изоҳлаш мумкин? Бу ҳам етмаганидек 28 та ҳолатда 7 млн. сўмлик 36 тонна маҳсулотнинг сифати бузилишига йўл қўйилган.

Масалан, ўтган йили Сирдарё вилояти Ховос туманидаги «Туркистон» ширкатлар уюшмаси раиси А. Тойлоқов ва ёнилғи омбори мудири Б. Бойзақов 177,6 тонна дизел ёнилғисини, 2860 литр дизел ва 4943 литр негрол мойини талон-тарож қилган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилиб, тергов олиб боришмоқда.

Афсуски, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг «2003 йил республика қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан прокуратура органлари ўтказган текширишлар натижасида 79 та жиноят иши кўзғатилган.

Масалан, Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги «Сазагон» ширкат хўжалиги минерал ўғитлар омбори мудири Д. Сатторов ва бош ҳисобчиси Ф. Самиевлар ўзаро тир билдириб, 2.800.000 сўмлик 43 тонна аммиакли селитрани сотиб юборишган. Мазкур ҳолат бўйича кўзғатилган жиноят иши судга кўрилиб, Д. Сатторов 6 йил, Ф. Самиев эса 4 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Юқоридagi ларга қўшимча сифатида шуни айтиш керакки, 2003 йили 19 тонна минерал ўғит, 357 тонна ёнилғи, 139 тонна бугдой хорижга ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилаётган вақтда ушланиб, жиноятчиларга нисбатан тегишли чоралар кўрилган. Бироқ бу ҳолатларга ҳамон барҳам берилмаган.

Масалан, Сирдарё вилоятида беқободлик А. Муллабоев «КамАЗ» машинасида 1.500.000 сўмлик 9 тонна аммофосни ҳужжатсиз Тоҳикистонга ўтказиш учун олиб кетаётганида ушланди.

Яна бир муаммо шуки, ҳар йили хўжаликлар режадаги пахта ўрнига бошқа экин экиб, бу ҳақда статистика идораларига ҳисобот берамай давлат манфаатига зарар етказишяпти. Масалан, Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида 4981 гектар, Нишон туманида 470 гектар ерга экин экилмай бўш қолдирилган.

Сирдарё вилоятида пахта экилиши лозим бўлган 1047 гектар ерга бошқа экинлар экилган. Бу ишларнинг бошида кетмон кўтарган деҳқон турмаганлиги ҳаммага маълум...

Молия вазирлиги ҳузуридagi Давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинadigan қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси томонидан иш ҳақи, техника хизмати, агрокимётаъминот учун ажратилган транш маблағларидан Жиззах вилоятида 398.400.000, Сурхондарёда 270.700.000, Бухорода 225.000.000 сўми, умуман республика бўйича 1.700.000.000 сўми белгиланмаган йўналишларга сарфланган.

Республика миқёсда фермерлик ҳаракатиға кенг йўл очилмоқда. Аммо айрим жойларда уларнинг йўлиға сунъий говлар қўйилмоқда. «Пахта-банк», «Савдогарбанк», «Тадбиркорбанк» ва «Миллий банк»нинг Жиззах вилоят бўлими бошқарувчилари томонидан фермер хўжаликларига иш ҳақи сифатида ажратилган транш маблағларидан 286.300.000 сўми банк кредити ва фоизларини қоплашга, МТПларга техника сотиб олиш ҳамда кўзда тутилмаган бошқа харажатлар учун сарфланишиға йўл қўйилган. «Халк банки»нинг Сирдарё вилоят Гулистон туман бўлими масъул ходимлари эса «Абу Хурайра» фермер хўжалигининг муваққат ҳисоб-рақамиға тушган 7.300.000 сўмини унинг розилиғисиз Тошкент шаҳридаги «Шухрат Голд» хусусий фирмасига ўтказиб юборишган.

Юқоридagi барча ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари кўзғатилиб, тергов олиб бориляпти.

Шуни таъкидлаш керакки, тегишли ҳокимликлар, хўжалик, корхона ва ташкилот раҳбарлари вазифасига совуққонлик билан қараганлиги, ваколатидан четга чиқадиган ҳаракат содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилишлари муқаррар. Буни ҳар бир раҳбар тушуниши, шунга қараб ўтган йилги хатоларни такрорламаслик учун барча чораларни кўриши лозим.

Бахтиёр ХОЛМИРЗАЕВ,
Республика Бош прокуратурасининг бошқарма катта прокурори
Олимжон СУВОНОВ,
бошқарма прокурори.

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИГА ҚАРАШЛИ ЯК-40 САМОЛЁТИ АВИАҲАЛОКАТ САБАБЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИДАН

2004 йил 13 январь куни Тошкент аэропорти ҳудудида юз берган авиаҳалокат натижасида ҳалок бўлганлар рўйхати

Экипаж аъзолари:

1. Алексанов Александр Анатольевич — командир, 1960 йилда туғилган.
2. Илёсов Рустам Рафикович — иккинчи пилот, 1979 йилда туғилган.
3. Камолов Акмал Усмонович — текширувчи, ЯК-40 самолётлари 3-эскадрильяси командири, 1974 йилда туғилган.
4. Курмаев Ноэль Рефатович — бортмеханик, 1961 йилда туғилган.
5. Спиридонова Елена Александровна — борткузатувчи, 1982 йилда туғилган.

Йўловчилар:

1. Абдурахмонов Шавкат Абдулхаевич — 1959 йилда туғилган, Тошкент шаҳри.
2. Абдурахмонов Васлиддин Бахриддинович — 2001 йилда туғилган, Сурхондарё вилояти, Сарийосиё тумани.
3. Абдул Малик Абдул Самад — 1980 йилда туғилган, Афғонистон фуқароси.
4. Абиров Холтўра Омонович — 1958 йилда туғилган, Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани.
5. Азимов Исомиддин Юсупович — 1965 йилда туғилган, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри.
6. Акбаров Содикжон — 1958 йилда туғилган, Андижон вилояти, Избоскан тумани.
7. Бойсариев Абдиназор Хидирович — 1960 йилда туғилган, Термиз шаҳри.
8. Воहिдова Сожида Ҳайдаровна — 1967 йилда туғилган, Сурхондарё вилояти, Сарийосиё тумани.
9. Даминов Жамолiddин Садриддинович — 1982 йилда туғилган, Тошкент шаҳри.
10. Ёрматов Абдурашит Абдурамаатович — 1955 йилда туғилган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри.
11. Эгамбердиев Музаффар Ҳамзаевич — 1975 йилда туғилган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри.
12. Комиллов Турсунбой Турғунович — 1976 йилда туғилган, Тошкент шаҳри.
13. Каримов Азамат Венерович — 1967 йилда туғилган, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри.

14. Қодиров Зоиржон Эсонович — 1951 йилда туғилган, Тошкент шаҳри.
15. Козиницкая Елена Петровна — 1954 йилда туғилган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри.
16. Козиницкий Сергей Львович — 1954 йилда туғилган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри.
17. Конрой Ричард — 1947 йилда туғилган, Буюк Британия ва Австралия фуқароси.
18. Култўраев Шерзод Болтаевич — 1977 йилда туғилган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри.
19. Машарипов Файзулло Раимович — 1982 йилда туғилган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри.
20. Мухамеджонов Камол — 1981 йилда туғилган, Тошкент шаҳри.
21. Набиев Отажон Фуломович — 1965 йилда туғилган, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани.
22. Пеннер Ричард Хенри — 1947 йилда туғилган, Канада фуқароси.
23. Раҳмонов Ўткир Тўраевич — 1973 йилда туғилган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри.
24. Сиддиқов Исажон Усмонжонович — 1973 йилда туғилган, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри.
25. Тоғаев Абдухолик — 1962 йилда туғилган, Тошкент шаҳри.
26. Усмонова Дилрабо Темуровна — 1968 йилда туғилган, Қашқадарё вилояти.
27. Хуррамов Бахтиёр Чориевич — 1974 йилда туғилган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри.
28. Чумарин Ринат Исахоевич — 1956 йилда туғилган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри.
29. Шокиров Абдулла Фотихович — 1955 йилда туғилган, Тошкент шаҳри.
30. Шамедов Бахтиёр Аскарлович — 1979 йилда туғилган, Тошкент шаҳри.
31. Шох Вали Ҳожи Ҳолик Дод — 1968 йилда туғилган, Афғонистон фуқароси.
32. Эргашев Худойкул Ниёзкулович — 1956 йилда туғилган, Тошкент шаҳри.



Янги йилнинг ilk oyi ҳар бир ташкилот, идора ва корхона учун ҳисобот oyi — ўтган йилда амалга оширилган ишларни таҳлил этиш, ютуқ-камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб, галдаги вазифаларни режалаштириш даври бўлади десак, хато бўлмайди. Жумладан, айни пайтда Республика прокуратура органларининг кўйи бўғинларида ўтказилаётган йилги ишларда ҳам ана шу масалалар кўриб чиқилмоқда. Яқинда Тошкент шаҳар А. Икромов тумани прокуратурасида бўлиб ўтган йилги ишда туман прокуратурасининг 2003 йилда қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида олиб берган ишлари муҳожима этилди.

Суратда: Туман прокурори Б. Турсунов (ўртада) галдаги вазифаларни тезкор ходимлар иштирокида муҳокама қилмоқда.

ХАВАР

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Наманган вилояти ҳокимиятида Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. Худойбергандон иштирокида ўтган йилги ишда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи таҳлил қилиниб, бу ўринда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг роли ва ўрнига алоҳида тўхталиб ўтилган ҳамда баъзи таққидий фикрлар билдирилган эди.

Шу муносабат билан вилоят прокуратурасида тезкор йилги иш ўтказилиб унда прокуратура органлари олдига турган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Абдуқошим МАДАТОВ,
«НУҚУҚ» мухбири

